

ОЗОДЛИКНИ ЧЕКЛАШ ЖАЗОСИНИ ИЖРО ЭТИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Халилов Дониёр

Бердимўминов Ҳаёт Азамат ўғли

¹ ИИВ Академияси Жазони ижро этиш фаолияти
кафедраси ўқитувчиси

² ИИВ Академияси 325-гуруҳ курсанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7572027>

Аннотация. Ушбу мақолада жиноят содир этган шахсга нисбатан озодликни чеклаш жазосини тайинлашда хорижий мамлакатлар қонунчилиги, жазони оъташ ҳоллари, асослари, унинг шартлари, ушбу жазони кимларга нисбатан қўлланилмаслиги, ҳолатлар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бу қандай оърин олганлиги, бошқа давлатларга нисбатан ушбу жазонинг қўлланилиш фарқлари коърсатиб оътилалади. Шу билан бирга бизнинг қонунчилигимизда ушбу жазо тури қўлланилишининг асосий мақсади, кимларга қўлланилмаслиги ёритиб кетилади.

Калит сўзлар: халқаро тажриба, хорижий мамлакатлар, озодликни чеклаш жазоси, жазонинг мақсади, жазо тизими, асосий ва қўшимча тақиқлар.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва зомонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда.¹

Шу ўринда, Тарихий хужжатларга назар соладиган бўлсак, қадимги даврда жиноят учун одамларга оғир жисмоний жазоларнинг берилиши уларнинг жиноят содир этишларининг олдини олишга қаратилган усуллардан эди. Бугунги ҳуқуқ нормалари ва жазо чоралари жиноятни ахлоқан тузатиш ва тарбиялашга қаратилган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “биз демократик ислоҳотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга – янги, юксак марралар сари бораверамиз”². Шу нуқтаи назаридан, айбдор шахсга

¹ Норбутаев Э. Х. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ, РУХСАТ БЕРИШ ВА ХАБАРДОР ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА ВАКОЛАТЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 56-60.

² Мирзиёев Ш.М. Нияти улўф халқнинг иши ҳам улўф, ҳаёти ёруф ва келажаги фаровон бўлади. 3- жилд, Т.: Ўзбекистон, 2019.-Б.-56.

жазо белгилашда жазонинг тури ҳамда миқдорини жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва хусусиятига мос бўлган ҳолда қўллаш катта аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда давлатимиз жиноий жазони либераллаштириш бўйича хорижий тажрибадан кўпроқ фойдаланмоқда. Бу жараённинг энг ёрқин мисолларидан бири озодликни чеклашнинг жазосининг жазо тизимига 2015 йил киритилганлидир³.

Озодликни чеклаш жазосини қўллаш тажрибасини бир қатор ривожланган хорижий мамлакатларга ҳам маълум. тадқиқот жараёнида ўн бешта хорижий давлатнинг жиноят қонунчилиги ўрганилди. Барча манфаатдор хорижий давлатларни биз шартли равишда уч гуруҳга ажратамиз. *Биринчи гуруҳга* жиноий қонунчилигида ихтисослашган муассасаларда қўлланиладиган озодликни чеклаш жазоси мавжуд мамлакатлар киради; *иккинчи гуруҳ* жиноий қонунчилигида озодликни чеклаш маҳкумнинг яшаш жойида амалга ошириладиган давлатлардан иборат; *учинчи гуруҳ* жиноий қонунчилигида Ўзбекистон жиноят қонунчилигидаги озодликни чеклашга моҳиятан ўхшаш жазолар мавжуд бўлган давлатлардан иборат.

Ушбу мақолада биз биринчи гуруҳга кирувчи мамлакатларда озодликни чекловларини белгилаш ва амалга ошириш тартибини батафсил кўриб чиқамиз, улар қуйидагилардир: Беларус, Грузия, Тожикистон давлатлари.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлар учун озодликни чеклашни жиноий жазонинг мустақил тури сифатида ажратиш кўрсатиш характерлидир⁴. Сабаби СССР парчаланганидан кейин 17 февраль куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеясининг еттинчи ялпи мажлисида намунавий кодекс қабул қилинган эди, айнан шу нормалар кейинчалик ушбу мамлакатларда жиноят қонунчилигини шакллантириш учун қўлланма бўлиб хизмат қилди⁵. Ушбу тавсияномадаги озодликни чеклаш тарзидаги жазонинг мазмуни турли давлатлар ўзларига мослаштириб қонунчилигига қабул қилди.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги УРҚ-389-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 32-сон, 425-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.03.2020 й., 03/20/610/0299-сон; 20.04.2021 й., 03/21/682/0354-сон.

⁴ Орлов В.Н. Наказание в виде ограничения свободы в современном зарубежном уголовном законодательстве // Труды юридического факультета СевКавГТУ: Сборник научных трудов. Выпуск 3. Ставрополь, 2004. С. 129-145

⁵ Модельный Уголовный кодекс. Рекомендательный законодательный акт для Содружества Независимых Государств // Режим доступа: справочно-правовая система «Консультант+»

Жумладан, баъзи хорижий давлатларнинг жиноий кодексларда жиноий жазо тури сифатида озодликни чеклаш таърифи жиноят қонунчилигида мустақамланган. Хусусан, 2011 йилгача Озарбайжон Республикаси Жиноят кодексининг 53-моддаси 1-қисмига кўра, озодликни чеклаш суд ҳукми чиқарилгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумни жамиятдан ажратиб қўймаган ҳолда, махсус муассасада назорат остида сақлашдан иборатлиги қайд этилди⁶. Бироқ, ҳозирги вақтда, ушбу кодексга ўзгартирилиб унга кўра. Жиноят кодексининг 42-моддасида жазо тури сифатида озодликни чеклаш жазоси 2011 йил 31 майдаги 137-ИВҚД7-сонли қонунига мувофиқ Озарбайжон Республикаси Жиноят кодексининг чиқариб ташланган⁷.

Биринчи гуруҳнинг кейинги давлати Беларус Республикада Жиноят кодексининг 55-моддаси 1-қисмига кўра, озодликни чеклаш маҳкумни жазони ижро этиш учун масъул бўлган органлар томонидан белгиланган жойларда мажбурий ишга жалб қилиш билан назорат остида ўталишидан иборат⁸. Шунингдек ушбу кодекснинг 55-моддаси 3-қисмига мувофиқ Озодликни чеклаш ҳарбий хизматга қақирилувчиларга, доимий истиқомат қилмайдиган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилмайди⁹. Бироқ, бизнинг тадқиқотимиз учун Беларус Республикасида озодликни чеклаш тарзидаги жазони ижро этиш жараёни бу маҳкумнинг очиқ ахлоқ тузатиш муассасасига юборилган ёки юборилмаганига боғлиқ.

Юқоридаги давлатлар билан бир қаторда Грузия ҳам ушбу гуруҳга мансуб бўлиб, Грузия Жиноят кодексининг 47-моддаси 1-қисмига кўра, озодликни чеклаш маҳкумни жамиятдан ажратилмасдан махсус муассасага - назорат остидаги ахлоқ тузатиш марказига жойлаштиришни англатади¹⁰. Бундан ташқари, ушбу модданинг 5-қисмига кўра биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига, ҳомиладор аёлларга, этти ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, пенция ёшидаги шахсларга, шунингдек ҳарбий хизматни

⁶ Уголовный кодекс Азербайджанской Республики от 30 декабря 1999 года // Режим доступа: http://online.zakon.kz/document/?doc_id=30420353#pos=1;-173

⁷ О внесении изменений в Уголовный кодекс Азербайджанской Республики [Закон Азербайджанской Республики от 31 мая 2011 г. № 137-IVQD // Азербайджан. 2011. 2 июля.

⁸ Уголовный кодекс Республики Беларусь от 9 июля 1999 г. № 275-3 (ред.20.04.2016 г.) // Режим доступа: http://online.zakon.kz/m/Document/?doc_id=30414984#sub_id=470000.

⁹ Ўша манба.

¹⁰ Уголовный кодекс Грузии от 22 июля 1999 г. (ред. 13.12.2013 г.) // Режим доступа: <http://www.refworld.org.ru/country,,,,GEO,,54cb63b60,0.html>

ўтаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан озодликни чеклаш жазоси қўлланилиши мумкин эмас¹¹.

Тожикистон Республикаси Жиноят кодексининг 54-моддаси 1-қисмига кўра, озодликни чеклаш маҳкумни жамиятдан ажратмаган ҳолда, бир йилдан беш йилгача бўлган назорат шароитида махсус муассасаларда сақлашдан иборатлиги кўрсатилган¹². Ушбу кодекснинг 87-моддасига кўра вояга етмаганларга, ҳарбий хизматчиларга, пенсия ёшига этган шахсларга, ҳомиладор аёллар, ота-она таътилида бўлган шахслар, I ва II гуруҳ ногиронларига озодликни чеклаш жазоси қўлланилмайди. Агар, маҳкум озодликни чеклашдан жазосини ўташдан бўйин товлаган тақдирда, озодликни чеклашнинг ўталмаган қисмини озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштириш назарда тулади.

Ҳулоса ўрнида шуни такидлаш лозимки, жиноят содир этган шахсга у ёки бу турдаги жазо тайинлашдан мақсад маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинойи фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Буни амалга оширишда эса жиноят содир этган маҳкумга инсонпарварлик тамойили орқали адолатли жазо тайинлаш ҳамда ушбу жазони ижро этувчи орган томонидан шахсни жамиятга қайта тайёрлаш вазифаси туради. Миллий қонунчилигимизга кўра, озодликни чеклаш жазоси шахсни қисман жамиятдан ажратмаган ҳолда яшаш жойида уни тарбиялашдан иборатдир.

Шу нуқтаи назардан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун маҳкумларни алоҳида муассасаларда сақлаш давлат учун харажатли бўлган ижро этиш фаолиятини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг қонунчилигимизда эса мазкур жазо тури ўз табиатига кўра озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил жазо сифатида киритилган. Яъни у маҳкумни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш вазифасини бажаради. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 48¹-моддасига кўра озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай таъқиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат жазо туридир.

¹¹ Ўша манба.

¹² Уголовный кодекс Республики Таджикистан от 21 мая 1998года № 574 (ред. 14.05.2016 г. // Режим доступа: http://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30397325

Суд жазо тайинлаганда ҳукминг қарор қисмида: озодликни чеклаш тариқасидаги жазо, яшаш жойини бутунлай тарк этишни тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашнинг мазмуни аниқ кўрсатилган бўлади. Масалан, кечки соат 22:00 дан эрталаб 6:00 га қадар уйдан чиқмаслик, қилиб ҳам белгилаб бериши мумкин. Яъни маҳкум суд белгилаб берган бошқа таъқиқларга риоя қилган ҳолда бошқа ўз эйтиёжларини амалга ошириши мумкин деб ёзиб қўйилган.

Юқоридагилардан кедиб чиқиб қуйидаги таклифларни беришни жоиз топдик:

Биринчидан, жамоат тартиби ва хавфсизлигини сифатли таъминлаш учун жуда катта молиявий ресурслар талаб этилади. Хаттоки, иқтисоди юқори давлатлар ҳам бу тизимни молиявий таъминлашда фақатгина бюджет маблағларига таяниб қолмаган¹³. Шу боис, озодликни чеклаш жазосини олган шахсларга пробация хизмати ходимларини назорат таъсирини ошириш масадида электрон браслетларни тезликда таъминлаш;

Иккинчидан, Х.М. Киличев таъкидлаганидек, ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан, шунингдек жамият ҳаётининг муҳим принципларидан бири қонунинг устунлиги ҳисобланади¹⁴. Шу боис, пробация хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида “пробация тўғрисида” қонун лойиҳасини амалиётга жорий этиш. Чунки, Дж.Х. Юлдашев таъкидлаганидек, Айрим МДХ давлатлари тажрибаси таҳлили ҳам ушбу таклифнинг асосли эканлигини тасдиқлайди.¹⁵ Шу ўринда, бу каби муайян ижтимоий муносабатни тартибга солиш учун тегишли ҳуқуқ нормаси ва ҳуқуқий механизмнинг мавжуд эмаслиги¹⁶ ёки мавжуд бўлса ҳам етарли ёритилмагани мавзу доирасини ўрганишга замин яратади¹⁷ ҳамда фаолиятни янада такомиллаштиришга хисса қўшади.

¹³ Камалов О. А., Қулдашев Н. А. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ //SIYOSATSHUNOSLIK, HUQUQ VA XALQARO MUNOSABATLAR JURNALI. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 5-9.

¹⁴ Киличев Х. М. Фуқаролар йиғинларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги ва уларни таъминлаш муаммолари //ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2019. – №. SPECIAL.

¹⁵ Юлдашев Д. Х. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ҚОНУНЧИЛИК НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 9-11.

¹⁶ Юлдашев Д. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотишга доир ишларни юритиш бўйича ҳуқуқий амалиёт натижалари таҳлили //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 11/5. – С. 1-6.

¹⁷ Қушбоқов, Ш. (2022). ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДАГИ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАСНИФИ. *Development of pedagogical technologies in modern sciences*, 1(4), 58-63.

References:

1. Норбутаев Э. Х. Ички ишлар органларининг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш фаолияти бўйича ваколатларини таҳлили //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIIY JURNALI. – 2022. – С. 56-60.
2. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3- жилд, Т.: Ўзбекистон, 2019.-Б.-56.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-389-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 32-сон, 425-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.03.2020 й., 03/20/610/0299-сон; 20.04.2021 й., 03/21/682/0354-сон.
4. Орлов В.Н. Наказание в виде ограничения свободы в современном зарубежном уголовном законодательстве // Труды юридического факультета СевКавГТУ: Сборник научных трудов. Выпуск 3.Ставрополь, 2004. С. 129-145
5. Модельный Уголовный кодекс. Рекомендательный законодательный акт для Содружества Независимых Государств // Режим доступа: справочно-правовая система «Консультант+»
6. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики от 30 декабря 1999 года // Режим доступа: [http:// online.zakon.kz/document/?doc_id=30420353#pos=1;-173](http://online.zakon.kz/document/?doc_id=30420353#pos=1;-173)
7. О внесении изменений в Уголовный кодекс Азербайджанской Республики [Закон Азербайджанской Республики от 31 мая 2011 г. № 137-IVQD // Азербайджан. 2011. 2 июля.
8. Уголовный кодекс Республики Беларусь от 9 июля 1999 г. № 275-3 (ред.20.04.2016 г.) // Режим доступа: http://online.zakon.kz/m/Document/?doc_id=30414984#sub_id=470000.
9. Уголовный кодекс Грузии от 22 июля 1999 г. (ред. 13.12.2013 г.) // Режим доступа: <http://www.refworld.org.ru/country,,,,GEO,,54cb63b60,0.html>
10. Уголовный кодекс Республики Таджикистан от 21 мая 1998года № 574 (ред. 14.05.2016 г. // Режим доступа: http://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30397325
11. Камалов О. А., Кулдашев Н. А. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

//SIYOSATSHUNOSLIK, HUQUQ VA XALQARO MUNOSABATLAR JURNALI. – 2022. – T. 1. – №. 6. – С. 5-9.

12. Киличев Х. М. Фуқаролар йиғинларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги ва уларни таъминлаш муаммолари //ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2019. – №. SPECIAL.

13. Юлдашев Д. Х. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ҚОНУНЧИЛИК НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 9-11.

14. Юлдашев Д. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотишга доир ишларни юритиш бўйича ҳуқуқий амалиёт натижалари таҳлили //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 11/S. – С. 1-6.

15. Қушбоқов, Ш. (2022). ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДАГИ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАСНИФИ. *Development of pedagogical technologies in modern sciences*, 1(4), 58-63.